



|

Ўзбек шоирларнинг адабий меросини излаб 1959 йил август ойида Хоразмга бордим. Мен кўпдан бери Хоразмни кўришга мушток ва хоразмликларнинг ўиноки куйларига, нафис раксларига мафтун эдим. Шу сафаримдан фойдаланиб, бу кўхна маданият маркази ва санъат ўлкасини чукуррок ўрганишга тараддуд килдим.

Хива — осори атика шахри. Хивада кўп тарихий ёдгорликлар бор. Йўловчи хали шахарга етмасдан беш-олти километрлик масофадан осмонпайванд миноралар, ложувард гумбазлар намоён бўлади. Булар ичida энг муҳташами «Хазрат Пахлавон» макбарасидир. Биз ана шу кўркам макбарага кирдик. Макбара гумбази атрофига форс-тожик тилида бадиий баркамол фалсафий рубоийлар накш килиб, ўйиб ёзилган.

Айрим рубоийларда Махмуд Пурёйвалий номи зикр этилган. Демак, бу ерда дафн килииган зот мутафаккир шоир.

Хоразм тарихи музейига бориб «Хазрат пахлавон» рубоийларини суриштирдим. Музей илмий ходими наккож Абдулла Болтаев музейда Пахлавон Махмуд рубоийларидан иборат бир китоб борлигини айтди. Мен дархол бу китобни олиб кўрдим. Бу—Мухаммад Рахим II (шоир Фируз) кўчирган нусха экан.

Урганчга кайтиб келдим. Бу ерда бир хонадонда рубоийларнинг яна бир нусхаси борлигини эшилдим. Дўстим Юнус Юсупов икковлашиб шу хонадонга бордик. У ерда эски китоблар орасидан Пахлавон Махмуд рубоийларининг яна бир нусхасини топдик. Бу нусхани 1946 йилда Хасан Мурод кори кўчирган экан. Дарҳакикат, рубоийлар жуда юксак савияда. Тошкентга келиб, Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмаларини кидирдим. Бу фонdda Пахлавоннинг бир эмас, икки кўлёзмасини топдик. Худди шу кеча-кундузда бир аёл институтга бир китоб олиб келди. Бу — кўшиб мукова килинган уч мустакил асар бўлиб, иккитаси авлиёлар хакидаги ривоятлар, учинчиси Пахлавон Махмуднинг таржимаи холига оид «Хазрат Пахлавон хикоялари» номли кўлёзмадир.

Менинг Пахлавон Махмуд адабий меросини кидириб юрганимни эшитиб, муҳтарам олимларимиздан профессор Яхё Гуломов бир кўлёзма тақдим этди, бунда Пахлавон Махмудга нисбат берилган уч юз ўттиз тўрт рубоий бор.

Мана шу хужжатлар билан танишгач, бу борадаги маълумотни чўкурлаштиrmок ниятида тарих ва тазкираларни кидира бошладим. Чунки Пахлавон Махмуддек забардаст шоир хакида тарих ва тазкираларда маълумот бўлмаслигига аклим бовар килмасди.

1299-хижрий (1881 йилда) Бомбайда нашр этилган «Оташкадаи Озарий» номли машхур Шарқ тазкирасида Пахлавон Махмуд хакида куйидагилар ёзилган:

«Исми Пахлавон Махмуд, Пурёйвалий лакаби билан шухрат топган, унинг пахлавонлик овозаси оламни тутган, ўз асрининг ягонаси бўлган. Шеъриятда кудратли, «Канзул Хакойик» номли маснавийси бор. Кейинги вактларда тасаввуф мавзуида ёзган рубоийлари анча яхши чиккан» («Оташкадаи Озарий», 326-бет.).

Машхур турк олими Шамсиддин Сомибек хам «Комусл аълом»нинг V ва VI жилдларида Пахлавон Махмуд хусусида баъзи маълумотлар келтирган. «Комусл аълом»нинг хар икки жилдида бир хил маълумот берилгани учун биз V жилддаги парчани кўчириш билан каноатланамиз.

«Пахлавон Махмуд Эроннинг машхур шоирларидан бўлиб, Хоразмнинг Урганч кишлогидандир. Ёшлигига ўз кучи ва пахлавонлиги билан фахрланиб юрди. Кейинги пайтларда тасаввуф тарикатида кўп риёзат чекиб, жисмоний заифлашган эди. «Канзул Хакойик» номли маснавийси бор» (Шамсиддин Сомибек. «Комусл-аълом». Жилд V, 3602-бет, Истамбул. 1860 йил.).

1327-хижрийда Истамбулда нашр этилган «Туркларин улум ва фунуна хизматлари» номли китобда хам (автори Мухаммад Тохир бин Рифъат) Пахлавон Махмуд хакида сўз боради, лекин бу автор бирор янги нарса кўшмай, Сомибекнинг «Комусл аълом»даги фикрларини такрорлайди.

Шарқ адабиётини жуда яхши билган Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тоҷик» китобида Пахлавон Махмуднинг «Комусл» ва «Оташкада» тазкираларида келтирилган рубоийларини кўчириб, «ўзи хоразмлик, лекин таржимаи холини билмадик» дебди С. Айний. (Намунаи адабиёти тоҷик, 117-118-бетлар. Москва. 1925 йил.).

Профессор Яхё Гуломовнинг «Памятники города Хиви» асари, ўз номидан кўриниб тургандек, тарихий ёдгорликларга багишлиган эса-да, Пахлавон Махмуд макбараси хакида сўз борганда, унда дафн этилган шахснинг июирлиги тўгрисида хам гапириб, мисол тарикасида бир-икки рубоийсини келтирган.

1958 йилда Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти машхур рус олимлари Г. А. Пугаченкова ва Л.И.Ремпелнинг «Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана» номли китобини нашр этди. Бу китоб хам ўз исмидан кўриниб турибдики Ўзбекистоннинг меъморлик санъати тарихига багишлиган. Шу китобнинг «Гумбаз Пахлавана Махмуда» сарлавҳали бобида Пахлавон Махмуд хакида бахс этиб, унинг шоирлиги хусусида куйидагилар айтилган: «...Он и поэт известный под именем Пирияри Вали, подражавший в своих стихах Омару Хайяму» (Юкорида зикр килинган китобнинг 170-бетига каралсин).

Тарих ва тазкира китобларида ўтмиш ва хозирги замон олимларининг Пахлавон Махмуд хакида берган маълумотлари мана шулар, холос.

Бундан ташкари, Хива музейининг илмий ходими, республика халк рассоми, машхур Хоразм наккоши Абдулла Болтаевнинг кўлёзма дафтарларида Хоразмнинг тарихий ёдгорликлари, жумладан, Махмуд Пурёйвалийнинг таржимаи холига доир кимматли материаллар бор. Шунингдек, Хоразмда ёзилган кўлёзма бир манокибда (авлиёлар хакида китоб) Махмуд Пурёйвалийнинг хаёт йўли хакида диний ранг бериб ёзилган, лекин аслида шоир Махмуднинг порлок образини ифодалайдиган маълумотлар келтирилган. Ана шу манбаларга асосланиб, шоирнинг таржимаи холи хакида куйидаги муҳтасар маълумотни ўкувчиларга арз этмок мумкин:

II

Шоирнинг отаси кўхна урганчлик бўлиб, хотини хомилалик чогда Хивага кўчиб келади. Бирок, улар хали шахарга етмай, хотини тўлгок тутиб, шахар четидаги бир уйда кўзи ёрийди. Бу ходиса 645-хижрий, милодий хисоби билан 1247 йилда эди (Виктор Виткович «Совет Ўзбекистонига саёҳат» номли асарида Пахлавон Махмудни XV аср кишиси, «Навоийнинг якин дўсти» деб хато килган. Пахлавон Махмуд 1326 йилда ўлган. Навоий эса, орадан 115 йил ўтгач, 1441 йилда тугилган. Демак, бу икки шахснинг хамаср ва «якин дўст» бўлиши мумкин эмас. Навоийнинг хоразмлик хамасри, дўсти Пахлавон Махмуд эмас, Пахлавон Мухаммаддир. Навоийнинг «Холоти Пахлавон Мухаммад» номли асари хам бор. (Т. Ж.). Болага Махмуд деб ном кўядилар. Махмуд жисмоний жихатдан жуда бакувват, пахлавон бўлиб етишади. У Хоразмнинг кўп шахарларига, хатто Хиндистонга бориб курашади, лекин хеч ерда енгилмайди, бутун умри елкаси ерга тегмай, мамлакатнинг биринчи пахлавони бўлиб колади. Шундай килиб, халк Махмудга «Пахлавон» лакаби бериб, уни «Пахлавон Махмуд», «Пахлавон ота» деб юритадилар.

Бирок, пахлавонлик Махмуднинг асосий касби эмас, унинг асли касби пўстиндўзлик, телпакдўзлик бўлган. Махмуд бу хунарда хам зўр маҳорат касб этган, унинг жуда кўп шогирд ва халфалари бўлган. Пахлавон хижрий 726-йилда, милодий хисоби билан 1326 йилда вафот этганда, унинг васиятига амал килиб, шогирдлари Пахлавон Махмуднинг жасадини ўзининг пўстиндўзлик корхонаси доирасига дафн этганлар, макbara хам ана шу кабр устида барпо этилган.

Манокибда хикоя килинишича, Пахлавон Махмуд Хиндистонда экан чогида хиндалар тарафини олиб урушга катнашади. Хиндистон подшохи Рай Ропой Чўнани ўлимдан кутказади. Мана шундан кейин Хиндистон подшохи мамнун бўлиб. Пахлавонга караб: «Тила тилагингни» дейди. Пахлавон молу дунё, олтин, кумуш талаб килмай, бир вактлар Хиндистонга. асир тушган хоразмликларни озод килишни илтимос этади. Хиндистон подшохи Пахлавон Махмуднинг илтимосини бажо келтириб, хоразмлик туткунларни озод этади, йўл харажатларини бериб, Хоразмга кайтаради.

Манокибда хикоя килинишича, Пахлавон Махмуд Хива якинида Чингизхонга карши урушда халок бўлган пахлавонлар кабри устида макbara барпо этган ва бу макбаранинг вайроналари ханузгача сакланади.

Юкорида кайд этилган маълумотлар Пахлавон Махмуднинг ижтимоий киёфасини равшан кўрсатиб туради. Хоразм асиrlарини озод килмок, ватан учун курашда жон фидо килганлар гўри устида макбара барпо этмок — бу илгор одам, ватанпарвар сиймосини кўрсатади.

Соглом танда — соглом акл, деган гап Пахлавон Махмуд сиймосида тўла ифодасини топган. Пахлавон Махмуднинг зако ва истеъдоди, тафаккур кучи унинг жисмоний кудратидан кам эмас. Хакикий шоир ва мутафаккир учун ўз мушохадаларидан хулоса чикармок, уни бирор шаклда баён этмок табиий зарурат бўлиб колади. Шарқда кўп мутафаккирлар ўзларининг фалсафий фикрларини баён килмок учун шеъриятдан фойдаланганлар. Бу хакикатни Хайём, Навоий, Бедил ва бизнинг мавзу бахсимиз Пахлавон Махмуд ижоди мисолида кўриш мумкин.

Маълумки, Хайём бутун адабий фаолияти давомида факат робоий жанрида асар ёзди ва робоий жанрининг тематик доирасини белгилаб берди: хаёт ва коинотнинг мохияти хакида фикр юритиш, хушчакчак хаётнинг символи тарзида май ва маҳбубани куйлаш — робоий жанрининг асосий хислати бўлиб колди.

Пахлавон Махмуд шеъриятда хам, фалсафада хам Хайёмнинг заковатли давомчисидир. Форс адабиётида Хайёмдан сўнг факат робоий ёзган бошка бир шоир йўк. Бу хол туркий халклар адабиётида хам кўринмайди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бобур ва бошка кўп шоирлар робоийда ўз кучларини синаб кўрган бўлсалар-да, бу жанр, уларнинг ижодида асосий ўрин тутмаган. Пахлавон Махмуд эса, бутун умри форс-тоҷик тилида робоий ёзган. Шундай килиб, Пахлавон Махмуд Хайёмнинг фалсафий ва бадиий гояларини ривожлантирган, унга ўз асли рухини берган. Бу — хайёмшуносликда хам, ўзбек ва тоҷик адабиёти тарихида хам мухим янгиликдир.

Шуни хам кайд килиш лозимки, Пахлавон Махмуд Хайёмнинг оддий таклидчиси эмас, аксинча, у ўзининг заковат ва истеъдоди, мушохада кучи жихатидан Хоразм Хайёмидир. Шарқ адабиётида теран мазмунли, нафис ва ўйноки робоийларни «хайёмона» деб аташ одат бўлиб кетган. Шу мантиқдан чикиб баҳо берганда, Пахлавон Махмуднинг санъаткорона робоийлари хаммаси хам хайёмонадир. Бу робоийлар ёнма-ён турганда, кайси бири Хайёмники-ю, кайси бири Пахлавон Махмудники эканини фарқ килиш кийин.

Пахлавон Махмуд ўз асрининг донишманди эди, у ўзининг узок умри давомида хаётни мушохада этиб, тўгри хулосалар чикарган, бу хол унинг робоийларида ёркин акс этиб, уларни хикматли сўзлар даражасига кўтарган. Мана шулардан бири:

Кора тош сира хам бўлмас ложувард,
Тоза калбга юкмас асло чангур гард,
Кулок солгин Пурёйвалий сўзига,
Кўркоклардан бирон чикканмиди мард!

Рост айтади бу улуг донишманд, ёмон одамдан факат ёмонлик, ёвузлик кутиш мумкин, мардликка, валломатликка, эзгуликка у кобил эмас!
Пахлавон Махмуднинг нодонлардан, жохиллардан нафрати шу кадар зўрки, уни

шоирнинг ўз тили билан айтмасдан бошкача таъбир билан тушунтириш имкондан хориждир. Мана у нима дейди:

Уч юз Кўхи Кофни келида тўймок,
Дил конидан бермок фалакка бўёк,
Ёинки бир аср зиндонда ётмок,
Нодон сухбатидан кўра яхширок.

Пахлавон Махмуднинг мухаббат мавзуидаги рубоийларини олиб кўрайлик. Пахлавоннинг ишк мавзуидаги рубоийлари фикрнинг равшанлиги, мазмуннинг теранлиги, маҳбубга муносабатнинг самимийлиги, лирик қаҳрамоннинг маъшука ризоси учун ҳар кандай фидокорликка хозирлиги, образларнинг ранг-баранглиги, хулосаларнинг фавкулодда ва кутилмаганлиги билан кишини хайратда колдиради. Чунончи:

На чораки маломатдур ватаним,
Ишк ўлдирди, севги менинг кафаним.
Жаннат богларида сен ўтири, зохид,
Мен—маст булбул, дўзах менинг чаманим.
Сўрагин, гўзалим, керак бўлса жон,
Жон эмас, сўрагин хаттоки имон.
Факат якинрок кел, килма интизор,
Сен ҳарна истасанг бергум бегумон.
Деди ёрим: «Яна нима гаминг бор?
Хаёлинг банд этди кайси гўзал ёр?»
Кўлларига бериб ойна, дедимки:
Кимнинг аксин кўрсанг—шу менга дилдор.

Пахлавон Махмуднинг назар-эътиборидан молпаст, дунёпаст, бошкача айтганда, олтин-кумуш бандалари хам четда колмаган. Мол-дунёга, олтин-кумушга сажда килувчи бу тоифа: «ема, ичма, бўл баҳил, бой бўлмасанг мен кафил», шиори остида иш кўрадилар. Бу тоифа бой бўлади, лекин гадодан баттар кун кечиради. Улар бойлигини боласидан аяди. Махмуд Пахлавон ана шу тоифа устидан истехзо килиб бундай дейди:

Эй хожа, сен нечун бунча бехабар,
Хаёлингда кеча-кундуз кумуш, зар,
Дастмоянг-ку бу оламда бир кафан,
Буюрганми сенга кафан, ким айтар?

Пахлавон Махмуд Чингизнинг конли юришлари натижасида мамлакатга етказилган оғир жароҳатлар хали битмаган бир даврда яшади. Бу давр — Ўрта Осиё ва айникса, Хоразм тарихининг энг оғир даври эди. Пахлавон Махмуд ватан бошига тушган бу сонсиз-саноксиз балолар, тўфонларнинг шоҳиди бўлди. Шоир мана шу тарихий баҳтсизликларни бир рубоийга сигдириб, ўз асрининг ажойиб реалистик лавҳасини чизиб берган:

Давронда кўп кўзни мен гирён кўрдим,

Неки бало бўлса беомон кўрдим,
Нух минг йил яшади, кўрди бир тўфон,
Мен Нух бўлмасам хам минг тўфон кўрдим.

Биз Пахлавон Махмуд рубоийларидан бир неча мисоллар келтиридик, холос. Лекин, зийрак ўкувчилар бу катрада денгиз акс этганини хис этадилар, деб ишонамиз.

* * *

Пахлавон Махмуднинг номига хамиша бир-икки лакаб тиркаб айтилади. Уни Хоразмда: «Пахлавон Махмуд», «Польонпир» десалар, тарих ва тазкира китобларида «Хазрат Пахлавон», «Махмуд Пирёрвали», «Махмуд Пурёйвалий» деб тилга олинади. «Оташкада» ва «Комусул аълом»да эса, Пахлавон Махмудни жанговар, жангжўй, харбий, урушкок маъносида «Китоли» лакаби билан тилга оладилар.

«Мажолисул-ушшок» тазкирасида келтирилган бир газалида Пахлавон Махмуд «Китоли» лакабини хам тахаллус ўрнида ишлатган. Чунончи:

Дасте намерасад чу Китоли ба зулфи ёр Кувват зи по—у зўр бозу ниходаем.
(«Мажолисул-ушшок», 271—278-бетлар, ЎзФА Шарқшунослик институти, кўлёзмалар фонди, ин. № 13787.)

Баъзи тазкирачилар Пирёр Вали шоирнинг отасининг номи деб даъво килса (масалан, Шамсиддин Соми), бошкалар Пирёр Вали шоирнинг тахаллуси деган фикрни олга сурадилар (масалан, Виктор Виткович).

Аслида бу даъволарнинг хар иккиси хам хато.

«Чароги хидоят» лугатида: «Пурёйвалий — пахлавонлар пирига бериладиган лакаб» дейилади.

Махмуд эса, Ўрта Осиё, Эрон ва Хинdistонда елкаси ерга тегмаган биринчи даражадаги пахлавон эканини юкорида кайд килган эдик. Шунинг учун пахлавонлар пахлавони, пахлавонлар пири маъносида Пурёйвалий лакаби дастлаб хоразмлик Пахлавон Махмудга берилган. «Гиёсул лугат»нинг куидаги сўзлари хам бу фикрни тўла тасдиклаиди:

«Пурёйвалий Махмуд Хоразмийнинг лакаби. Баъзан бу сўз мажозий маънода зўрхона (пахлавонхона) бошлиги бўлган кекса пахлавонларга хам нисбат берилади».

Мана шу асосларга биноан биз Махмуднинг пахлавонлик лакабини бу кунгача ёзиб келгандек Пирёр Вали шаклида эмас, Пурёйвалий шаклида ёзиши маъкул кўрдик.

Котиблар рубоийларни кўчирганда жуда кўп хатога йўл кўйганлар. Натижада бир мисрада вазн бузилган бўлса, бошкасида маъно тамомила ўзгариб кетган. Форс адабиёти мутахассисларидан дўстим Мунирхон Муинзода билан бакамти котибларнинг мукаррар хатоларини топиб тузатдик. Бизнинг бу хизматимиз нимадан иборат эканини куйидаги мисолларда аник кўришингиз мумкин:

Кўлёзмада:

1. Бо хеш писари ки дилбариро шояд

Тузатилгани:

Бо хуш писаре ки дилбариро шояд

Кўлёзмада:

2. Гар тарки видоъ кардаем маъзурам

Тузатилгани:

Гар тарки видоъ кардаам маъзурам

Кўлёзмада:

3. Май нўш бенишон басе хоҳад мурд

Тузатилгани:

Май нўшки бенишон басе хоҳад мурд

Кўлёзмада:

4. Э дил то гами иттқ таманно карди

Тузатилгани:

Э дил чу гами ишк таманно карди

Кўлёзмада:

5. Он зарраки хисоб нояд ноем

Тузатилгани:

Он зарраки дар хисоб нояд моем.

Кўлёзмада:

6. Бо бад биншин бош бегонаи у

Тузатилгани:

Бо бад манишину бош бегонаи у

Кўлёзмада:

7. Дарёйи талаб жумла бару баста бувад

Тузатилгани:

Дархойи талаб жумла барў баста бувад

Кўлёзмада:

8. Душанба бурд бор душам буд

Тузатилгани:

Душинаки бар даргахи ту душам буд

Кўлёзмада:

9. Дар роҳ нигарки роҳ чунан рафтанд

Тузатилгани:

Дар роҳ нигарки роҳ бинон рафтанд.

Кўлёзмада:

10. Расместки дар вафо бани одам нест

Тузатилгани:

Расмест вафоки дар бани одам аест.

Кўлёзмада:

11. Ман Нуҳи ним хазор тўфон дидам

Тузатилгани:

Ман Нуҳ наям, хазор тўфон дидам.

Бошка тузатишлар хам худди шу руҳда бўлиб, рубоийларнинг котиблар вайрон этган

вазнини, мазмунини бир даражада тикладик, деб ўйлаймиз.

Биз «Рубоиёти хазрати Пахлавон» номи билан юритилган беш кўлёзма нусхани кўздан кечириб, шулардан эллик етти рубоийни танлаб, таржима килдик. Айрим нусхаларда уч юздан ортик рубоийлар бор-ку, нега биз кўпроқ олмадик? Бунинг сабаби шуки, хамма нусхаларга бошка шоирларнинг рубоийлари кириб колган. Кандайдир масъулиятсиз котиб сўраб-суриштирмай, кўлга тушган ёки эшитган хар бир рубоийни Пахлавон Махмудга нисбат бериб кўчира берган. Натижада, «Хазрати Пахлавон рубоийлари» номли кўлёзмалар турли маслак ва хар хил савиядаги шоирларнинг муштарак рубоий тўплами бўлиб колган.

Хоразмликлар асрлар давомида Пахлавон Махмудни авлиё деб юрганлари учун котиблар хам сўфиёна рубоийларни унга нисбат бериб тўпламга кирита берганлар. Бунинг устига биз кўриб чиккан кўлёзмалар хаммаси хам XIX—XX асрда кўчирилган. Агар булар орасида бирорта эски-мўътабар нусха бўлганда, Пахлавон Махмуд рубоийларини ажратиш енгилрок бўларди. Афсуски, хозирча эски нусхалар топилгани йўк. Шунингдек, «Оташкада» ва «Комусул аълом»да тилга олинган «Канзул хакойик» номли маснавийни хам топиш бизга насиб бўлмади.

Биз, Пахлавон Махмудга нисбат бериб, бошка шоирларнинг асарларини нашр этиб кўймайлик, деган андиша билан рубоийларни мумкин кадар синчиклаб текширдик, турли шоирларнинг рубоийлари коришиб кетган бу шубҳали нусхаларни кайта-кайта ўкиб, Пахлавон Махмуднинг соглом, магрур овозини фарқ этишга харакат килдик. Биз танлаган рубоийлардаги руҳий тетиклик, фикрий теранлик уларни бошка рубоийлардан ажратиб туради. Айрим рубоийларга эса шоир: «Бишнав сухани Махмуд Пурёйвалий» деб, ўз номи билан мухр босиб кўйган.

Шоирнинг номи зикр килинган рубоийларнинг руҳига караб, биз шу калбнинг садосини, шу руҳнинг түгёнини ўкувчига етказишга харакат килдик,

Хива — Тошкент 1960 йил

МАРДЛИК ВА ОДАМИЙЛИК ТАРОНАЛАРИ

Учинчи нашрига сўзбоши

|

Субҳидам пайти кимдир кўча эшигини коқди, бу декабрь ойининг аёз тонги эди. «Хозир» дедим-да, наридан-бери кийиниб ташкарига чиқдим. Чиқдиму, хайрон бўлиб колдим.

Эшигимиз олдида Хоразм область прокурори Рустам Мухамедов туарди.

Мен меҳмонни дархол иссик уйга бошлаб кирдим, пальтони ечиб, bemalol ёзилиб ўтиришни таклиф килдим. Аммо, меҳмон узр айтди:

— Домла, мен сизга Хоразмдан совга олиб келдим. Шу нарсани сизга топшириб, иккинчи самолётда кайтишим шарт, чунки кечки пайт обкомда мажлис бўлади.

Демак хеч кандай эътироозга ўрин йўк.

Биз ошигич равишда совгани очиб кўрдик. Бу — биз зорикиб, истаб юрган Пахлавон Махмуднинг рубоийлари мажмуаси эди.

Мен камоли кувонганимдан мехмонни кучоклаб ўпдим, ваъдага вафолари, олижанобликлари, маданиятимиз тарихига бўлган чексиз эхтиромлари учун Мадрахим Раҳмонов ва Рустам Мухамедовларга кайта-кайта ташаккур айтдим.

Мехмон хайр-хўш килиб кетгандан сўнг, мен ифтихор билан ўйлардим: «Ажабо, партия ва давлат арбоблари, хатто адлия ходимлари хам адабиёт, шеърият хизматида, бу кандай гўзал-а!»

Мадрахим Раҳмонов ким дейсизми? Вокеа мана бундай:

Пахлавон Махмуд хакидаги асаримни кенгайтириб, уни кайта нашр этиш менинг ўн йиллик орзуим. Бу — янги тадқикотлар ўтказиш, шоирнинг бошка асарларини топит, уларни форсчадан ўзбекчага таржима килиб, шарху баён этиш демакдир.

Шу максадда 1974 йил 23 сентябрда Ёзувчилар Союзидан ижодий командировка олиб, Хивага жўнадим. Таассуфки, Хива зиёратидан мурод хосил бўлмади. Хивадан бирор янги нарса топмадимгина эмас, борлари хам музейдан йўколганини эшитиб каттик ранжидим. Хуллас, Хивадан хуноб бўлиб Урганчга кайтдим.

Урганчда эски кадрдонимиз, область прокурори, хукукшунослик фанлари кандидати муҳтарам Рустам Мухамедов хонадонида мөхмон бўлдик. Кечкурун дастурхон атрофида уч киши ўтирадик: мен, мезбон ва Хоразм областининг масъул ходимларидан Мадрахим Раҳмонов.

Тўсатдан келган меҳмонга: «Кандай шамол учирди?» — каби савол бериш одати бор. Мен сафарим сабабини айтиб, Хива музейидан Пахлавон Махмуд рубоийларининг шоир Фируз кўчирган энг нодир нусхаси йўколганини хасрат-надомат билан накл килдим. Эшитганлар жуда хафа бўлишди, хафа бўлишди эмас, бир оз хижолат чекишиди. Ахир, оталаримиз олти юз йил асрраган дурдоналарни бугун музейдан гойиб бўлиши хазил жиноят эмас-да! Ажабо, кайси муртад, кайси малъун бу кабих ишга кўл урди экан? Мадрахим Раҳмонов узок йиллар обкомнинг биринчи секретари, область ижроия комитетининг раиси лавозимида ишлаган, кўпни кўрган вазмин, камтарин киши эканлар. Мана шу киши менга тасалли бериб бундай дедилар:

— Хафа бўлманг, домла. Эзгу ният билан сафарга чикибсиз. Сизни ноумид килиб кўймаймиз. Пахлавон рубоийларининг бир нусхаси менда хам бор. Аммо якинда уни бир кариндошимиз Шовотга олиб кетган эди. Хозир пахта терим кампанияси, хаммамиз шу иш билан бандмиз. Сал кўл бўшаса, дархол уни олиб келамизу, бирок сизга кандай етказиб беришни билмай турибман.

Гап шу ерга келганда мезбонимиз Рустам Мухамедов сергакланиб:

— Агар сиз китобни менга келтириб берсангиз, мен дарров Тошкентга бориб, уни домланинг ўз кўлларига топшириб келаман, — деб илтифот килдилар.

Бу фикр хаммамизга макбул тушди, учовлон шунга карор килдик.

Рустам Мухамедовнинг Урганчдан китоб кўтариб Тошкентга келишдан максади шу ваъдага вафо килиш эди.

Ўрток Раҳмонов бериб юборган нусха олтмиш уч сахифадан иборат бўлиб, уни 1944 йилда Хасанмурод Кори кўчирган, аммо кайси манбадан олингани кўрсатилмаган. Ушбу мажмууда форс-тоҷик тилида ёзилган уч юз ўн тўрт рубоий бор.

Мен бу тўпламни олиб, Андижонга равона бўлдим. Муродим андижонлик дўстларим Имоиддин Косимов (Улфат) ва Омонулло Валихонов (Бокир) билан бакамти Пахлавон Махмуд рубоийларини синчиклаб ўрганиш, уларнинг энг нафис ва мумтозларини танлаб

олиш эди. Гап шундаки, Бокир ва Улфат форс тилинигина эмас, форс классик адабиётини хам жуда яхши билишади. Назаримда, биз учовлон бирга бўлсанк, хар кандай нозик нуктани ечишимиз, хар бир маъно товланишини пайкашимиз осон кўринади. Худди шундай бўлди. Ўн кун давомида (хар кун эрта соат 8 дан соат 2 гача) Хазрат Пахлавон рубоийларини синчиклаб ўкиб чикдик. Шу жараёнда котиб йўл кўйган мукаррар хатоларни топиб тузатдик. Бадиий баркамол рубоийларни алоҳида дафтарга кўчирдик. Ана шундай тайёргарликдан сўнг таржимага киришдик.

Машхур рус шоири Жуковскийнинг таржима санъати хакида ажиб фикри бор: «Прозада,— дейди Жуковский, — таржимон авторнинг қули, поэзияда шоирнинг хамкоридир». Биз учовлон Хазрат Пахлавонга муносиб хамкорлар бўлдикми-йўкми, бу жихати биздан кўра муҳтарам ўкувчиларга аёндир.

II

Пахлавон Махмуд рубоийларини ўқиган киши ўзини кандайдир маънавий покиза, руҳий тетик ва улугвор хис этади, чунки бу рубоийларда шу рух сингдириб юборилган. Хўш, бу кудратли руҳнинг сарчашмаси каерда? Бу Пахлавон Махмуднинг шахсий эътиқодлари ифодасими ёхуд бирор табака, гурухнинг гоявий дастурими?

Кўхна манбалар, жумладан Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» китобида айтилишича, бу покиза рух тарихда футувват ёки жувонмардлик номи билан машхур бир оқимнинг, бир ижтимоий табаканинг дастуриламалидир.

Жувонмардлар халкка beminnat хизмат килиб, муздини хақдан талаб килиш шиори остида иш тутганлар.

Эрон олимларидан Саид Нафисий «Сарчашмаи тасаввуф дар Эрон» номли асарида: «Футувват — жувонмардлик гурухининг улуг пешволаридан бири машхур шоир Пахлавон Махмуд Хоразмийдир», — деб таъкидлайди. Шу олимнинг уқтиришича, Ўрта Осиёнинг довюрак исёнкорлари — сарбадорлар хам жувонмардлар гурухига мансуб бўлганлар. XIII—XIV асрларнинг бир даража уюшган меҳнаткаш табакаси, шубҳасиз, шахар хунарманд-косиблари эди. Булар темирчилар, куролсозлар, мисгарлар, дурадгорлар, кўнчилар, мўйнадўзлар, тўкувчилар, тикувчилар ва меъморлардан иборат катта куч эдилар. Жувонмардлар мана шу хунармандлар гурухининг жанговар намояндалари сифатида майдонга чикдилар.

Жувонмардлар гурухининг хаёт принциплари мардлик ва унинг безаги: марҳамат, шафкат, мурувват, саховат ва олижаноблик асосига курилган. Жувонмардлар элга хизмат килишни, афтодаларга дастгири бўлишни, муҳтоҷларга марҳамату заифларни химоя килишни ўзлари учун шараф деб билганлар.

Профессор Е. Э. Бертельс «Сўфизм ва сўфийлик адабиёти» номли китобида: «Футувват хунармандларнинг яширин ташкилоти» — деб атайди.

Ёш олимларимиздан Ёкубжон Исхоков футувват — жувонмардлик харакатидан баҳс этиб:

«Хунармандлар гурухининг илгор карашлари ва интилишларини ифодалаган бу йўналиш ўша даврдаги илгор кучларнинг маълум кисми учун маънавий замин бўлган» дейди.

Пахлавон Махмуд футувват — жувонмардлик харакатининг ташкилотчисигина эмас, унинг маънавий раҳнамоси эди. Шоирнинг мардлик ва олижаноблик руҳидаги рубоийлари шундан далолат бериб турибди:

Олам фили кайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўррок кудратимиз, шавкатимиз,
Гар чумоли кириб колса сафимизга—
Шер этажак уни дархол давлатимиз,
Ўз нафсингга бўлгин амир, шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма хакир, шунда мардсан,—
Йикилганни тепиб ўтиш мардлик эмас,
Афтодага бўлсанг дастгир, шунда мардсан.

Устоз Навоий хам бу борада гоят порлок бир фикр айтганлар, табаррук учун шу байтни келтираман::

Муруват барча бермоқдур, емок йўқ,
Футувват барча килмоқдур, демок йўқ.

Пахлавон Махмуд 79 йил умр кўрди. (1247—1326). Ўзининг баракали умри давомида шоир талай тарихий воеаларнинг шохиди бўлди, кўп кузатишлар, мушоҳадалар ўтказди.

Т. Жалолов 1975 йил

РУБОИЙЛАР

1

Ўзгаларни менга такягох килма,
Мухтожи вазиру подшох килма.
Карамингдан кора сочим окарди,
Ок сочим-ла зору рўсиёх килма.

2

Гул юзида булат никобдур хануз,
Кўнгилларда майли шаробдур хануз,
Ухламагин, гафлат вактими хозир?
Май ич жоно, зоро офтобдур хануз.

3

Гул ёғади юзларингдан субхвор,
Гул ёғади хулкингдан хам чун баҳор,
Лахза сари рангга тўлиб бу олам—
Гул ёғади чехра очиб бу рўзгор9.

4

Жаҳон чехра—ранггу рўйи ўзингсан,

Акл дарё—унинг суви ўзингсан,
Гул баргидан шабнамдайин ўтирма,
Бу бокчанинг рангу бўйи ўзнингсан.

5

Умримиз дарахтин паст килма, рабби,
Борлик шаробидан маст килма, рабби,
Ўзинг карам бир-ла мард йигитларни
Нокасларга зеридаст килма, рабби.

6

Йирокдан карасам лабинг пурханда,
Озод эдим, тагин бўлибман банда.
Озодликдан хар бир банда эрур шод
Мен шундан шод—сенга бўлибман банда.

7

Дилим яна дилбар домига тушди,
Не дилбар, ситамгар домига тушди,
Бирининг бандидан кутулмай хануз,
Бошка ларипайкар домига тушди, |

8

Ёдинг билан кўнглим хар замон тоза,
Насим эсса бўлгай гулистон тоза,
Дийдоринг фараҳбахш, уни кўргандада—
Хотир жам, дил хуррам, танда жон тоза.

9

Ул кодирки арзу афлок яратди,
Кўнгилда дог, дилни гамнок яратди,
Мушкин зулфларни-ю, ёкут лабларни
Ерга кориб, охирида хок яратди.

10

Кўлда гул, кулокда шишадан овоз,
Жаҳон гамларини даф этар бу соз.
Сув нагмаси-ю, булут соясида
Кадах тутсалар ич, килмайин хеч ноз.

11

Аламлар кайдидан озодлар—бизлар,
Гам ризкимизу доим шодлар—бизлар.
Хушёрлик не, ранги рўйин билмаймиз
Ёр кўзидек мастона зодлар—бизлар.

12

Йигилардан бўлди бегубор сийна,
Дилим хам кўзгудек бўлиб бекина,
Кўз ёшим-кудурат губорин ювиб,
Соф бўлди калбим хам мисли ойина

13

Махбубимнинг ширин маколи яхши,
Хам серишва коши—хилоли яхши.
Огиз ганжин кулгидан хеч тиёлмас,
Бўса учун бўш жойи—холи яхши.

14

Зулфинг мудом таънаи санами Чин,
Кўзинг карашмаси бир горати дин,
Аросатда худо кўрса рухсоринг
Кудратига ўзи ўкир минг тахсин.

15

Келишингдан вокиф бўлсам баногох,
Гул экардим йўлларингта субхигох,
Шу гуллардан гулдасталар тутардим
Бу шарафдан маҳрум бўлибмен, эй воҳ.

16

Хайфоки бахода ўтину уд бир
Хам мартабада Халилу Намруд бир,
Давлатдан маст бўлган анков наздида
Эшак овози-ю куйи Довуд бир.

17

Дастингдан дилимда юз хил маломат,
Бу заҳм битмагай токи киёмат,

Ким хам сеидан умид килар саломат?
Сен тугилган куни ўлган саломат.

18

Эй сарвкаду кумуш тану гулрухсор,
Нокасга хамнишин бўлмагин зинхор.
Гар чинор чаманда савлат тўкса хам,
Гул ила чинорнинг не нисбати бор?

19

Ширакайфга бу бодаи ноб авло,
Мастликда-чи, дийдаи пуроб авло,
Бу пасткаш оламда вафо бўлмагач,
Дард бодасидан масти хароб авло,

20

Тоза лаълдир бодадан гавхаримиз,
Дастимиздан фигонда согаримиз,
Биз май бошида-ю, май бизнинг бошда,
Яъни майи нобдир тожи саримиз.

21

Хайт келса савоб иш битгусидир,
Сахар сокий майи ноб тутгусидир,
Намозингни кўйиб, рўзангни тарк эт,
Бугун гунохни савоб битгусидир.

22

Оlam фили кайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўррок кудратимиз-шавкатимиз,
Гар чумоли кириб колса сафимизга,
Шер этажак уни дархол давлатимиз.

23

Ўз нафсингга бўлгин амир, шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма хакир, шунда мардсан,
Йикилганни тепиб ўтиш мардлик эмас,
Афтодага бўлсанг дастгир, шунда мардсан.

24

Филдай кучинг бўлса хам мўр бўлиб кўрин,
Молинг ошиб-тошса хам ур бўлиб кўрин,
Хамманинг айбини билганинг холда,
Хеч нарса билмагандай, кўр бўлиб кўрин.

25

Оlam иши бошида бўлсайди бир мард,
Номарднинг бошидан чикарарди гард,
Оlam иши доимо мисли нард ўйин
Найранг билан ютади мардларни номард.

26

Бир окил дейдики бўлгил валломат,
Ёки валломатга кила кўр хизмат.
Номард хизматига ёндошма зинхор,
Ўйлагин, бу ўгит кандок пур хикмат.

27

Кўнглим оппок, на кек ва на кинам бор,
Душманим кўп ва лекин мен хаммага ёр,
евали дарахтман, хар бир ўткинчи—
Тош отиб ўтса хам менга бўлмас оп.

28

Кел кўнгил, мен ахтарай жононани,
Кўча-кўю хар эшик, хар хонани
Масту майхўрмиз мудом Хайёмсифат
Дўзах этгаймиш кабул мастонани.

29

Бу хожики аввал эди бир илон,
Хаждан келиб аждар бўлди беомон.
Харам-парам деса асло алданманг,
Ўйинг куйгур, ўзи асли беимон.

30

Кора тош сира хам бўлмас ложувард,
Тоза калбга юкмас асло чангур гард.
Кулок солгин Пурёйвалий сўзига,
Кўркоклардан бирон чикканмиди мард!

31

Уч юз Кўхи Кофни келида туймок,
Дил конидан бермок фалакка бўёк
Ёинки бир аср зиндонда ётмок
Нодон сухбатидан кўра яхширок.

32

Гуркираган олов — дилим йўлдоши,
Тўлкин урган дарё — кўзларим ёши
Кўзагарлар ясаётган хар кўза —
Кўхна дўстлар хоки — кўли ё боши.

33

Не чораки маломатдур ватаним,
Ишк ўлдирди, севги менинг кафаним,
Жаннат богларида сен ўтири, зохид,
Мен — масти булбул, дўзах менинг чаманим.

34

Сўрагин, гўзалим, керак бўлса жон,
Жон эмас, сўрагин хаттоки имон.
Факат якинрок кел, килма интизор,
Сен харна истасанг бергум бегумон.

35

Деди ёрим: «Яна нима гаминг бор?
Хаёлинг банд этди кайси гўзал ёр?»
Кўлларига бериб ойна, дедимки:
Кимнинг аксин кўрсанг— шу менга дилдор.

36

Эй хожа, сен нечун бунча бехабар,
Хаёлингда кеча-кундуз кумуш. зар,
Дастмоянг-ку бу оламда бир кафан,
Буюрганми сенга кафан, ким айтар?

37

Давронда кўп кўзни мен гирён кўрдим,
Неки бало бўлса, беомон кўрдим.

Нух-ку минг йил яшаб кўрди бир тўфон,
Мен Нух бўлмасам хам минг тўфон кўрдим.

38

Дедим: айт, умрнинг маъноси нима?
Деди: чакмок, ё шамъ, ёки парвона.
Дедим: бу дунёга бино кўйган ким?
Деди: ё гўл, ё маст, ёки девона.

39

Уфкни кизартди кон йиглаб куёш,
Ой тирнади юзин, Зухра юлди бош,
Тонг мотамида тун каро кийиниб,
Ёкасин чок этди килолмай бардош.

40

Жонингга касд этгач омонсиз ажал,
Булутдек ёш тўқди кўзим шу маҳал,
Тупрогинг устига келганлар деди:
Аттанг, ер остида колди бир гўзал.

41

Тонг чоги ёзганда лолалар япроқ,
Сахар куши додлаб дерди, эй ўрток,
Май ичким, дараксиз кетар хамма хам,
Кўзгал, ер остида ётгунгдир узок.

42

Гамингдан ўлдиму дил бўлмади шод,
Хеч киши этмагай энди мени ёд.
Айрилик келтирди афсус-надомат,
Дийдор кўрмок энди йўқдир, юз фарёд!

43

Эй дил, ишқ гамини таманно килдинг,
Ўзингни халк ичра сен расво килдинг.
Хар куни ўзингча бир гулни танлаб—
Гўзаллар юзини тамошо килдинг.

44

Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Кўл узатсанг, кадринг тушар, нонига,
Кўшма ўзгаларнинг барра кабобин
Котган нон-у совук сувинг сонига.

45

Ким килур бу вайрон дилим иморат?
Ким гунохим учун берур кафорат?
Мен зиёрат килдим кўп кабристонни,
Билмадим ким килур кабрим зиёрат?!

46

Дилбаримга дедим: эй гўзал, танноз,
Нечун синик чикар оғзингдан овоз?
Дедики: тор оғзим сўзни сигдирмай,
Ушатиб-ушатиб чикарар оз-оз.

47

Оҳким хаста кўнглим хеч бўлмади шод,
Гамдан хотирим хам бўлмади озод.
Тириклик нихоли бермайин хосил,
Бўлди азиз умрим, дариго, барбод.

48

Дунё дўстлигига берма хотир хеч,
Кекдан ўзга ундан бўлмас зохир хеч,
Юз йил яшасанг хам ўлим келади,
Юз мулкни олсанг хам бўлур охир хеч.

49

Ўлимингдан фалак тутмади мотам,
Жамолингни кўриб бўлмади мулзам,
Азоил ишидан ажабланаман:
Жонинг ола туриб уялмади хам.

50

Хамма дарддан кўра айрилик ёмон,
Хамма кайгудан хам ёмондир хижрон,
Кўлимдан келмайди сендан айрилмок,
Жонсан, жондан кечиш эмас-ку осон.

51

Кўнглимиизга кўнмас бирордан губор,
Биздан хам бирорга етмагай озор,
Ор ва ифтихордан узоклашганмиз,
На бирорга фахру, на бирордан ор.

52

Бутқул фалак иши — жавр или жафо,
Вафо ахли бўлмас у билан ошно.
Вафоли кишининг ити бўламан,
Кишидан ит яхши, бўлмаса вафо.

53

Дунё бинокорн тузар каср-айвон,
Тузиб бўлади-ю килади вайрон,
Фалакка етказиб бугун токини,
Эртага этади ер билан яксон.

54

Гоҳо гўзалларнинг юзин ўйлайман,
Гоҳо зулфин, гоҳо кўзин ўйлайман.
Алкисса, хуснингдан кайси завк берса,
Ўша замон шунинг ўзин ўйлайман.

55

Ишк биёбонида юрмок хам мушкул,
Ундан оёқ йигиб турмок хам мушкул,
Хаммадан мушкулроқ шуки, хар жойда
Ёринг маълум, лекин кўрмок хам мушкул

56

Баъзи вакт бўламан ишқдан бегона,
Кангусиз роҳатга якин хамхона,
Тўсатдан бир гўзал учраб колганда—
Яна йўлдан уриб килур девона.

57

Кўзгумга берардим кечкурун сайкал,
Бокдим унга тиник бўлган бир махал,

Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен
Ўзгалар айбини унутдим тугал.

58

Дагал дили доим эзилган бўлур,
Талаб йўли унга тўсилган бўлур,
Ёмон-яхши билан ким келишолса,
Дили шоду гамдан кутулган бўлур.

59

Махмуд, ношукурлик хар кимда ёмон,
Айб-айбу, лек етук хакимда ёмон,
Кийим эскиргани айбга кўшилмас,
Айб шунда — гар бўлса кийимда ёмон.

60

Шодмиз, кайгумиз йўқ асло айёмдан,
Сахарлик бўлгану кайгу йўқ шомдан,
Гойибдан пишган нон келиб турганда,
Хомтама эмасмиз, тама йўқ хомдан.

61

Ерга аралашиб ётар неча дил,
Жаҳон зарралари — лаб, тиш ёки тил,
Ердан униб чиккан сунбул, ё гулни
Гўзалларнинг сочи, ё юзи дегил.

62

Афсуски, топилмас хамдам бу дамда,
Бир вафоли ёр йўқ асло оламда,
Одамлардан вафо истама зинхор,
Вафо одати йўқ бани одамда.

63

Подшолик истасанг, бўл эл гадоси;
Ўзингни унтути, бўл эл ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсин десанг,
Эл кўлин тутгину бўл хокипоси.

64

Тупрок түшагида ётган кўп кўрдим,
Ер кора багрига ботган кўп кўрдим,
Йўклик оламига кўз ташлаганда,
Келмаган кўп кўрдим, кетган кўп кўрдим.

65

Хаёт майи бўлур тиник, куйка хам,
Кийим хам гохи бўз, гохи бекасам.
Булар огир эмас окил олдида,
Зор ўлмоклик бўлур жуда огир дам.

66

Эй дил, шохи тўнни килмагил хавас,
Эски киймокликни хам этмагил бас,
Енгил ўтсин десанг ўз кунингни сен,
Карам килма ўзни биронга абас.

67

Йўлга бокки, йўлчи одамлар кетди,
Гофил ўтирмаки, хамдамлар кетди,
Бир кавм сенга якин ва уйгун эди,
У кавм ўтиб, якин одамлар кетди.

68

Ажал шундай дардки, йўқ унга дармон,
Шоху гадоларга беради фармон.
Кирмон подшохиким ерди Кирмонни,
Энди егай унинг ўзини Кирмон12.

69

Бечора дилим-ку хаётдан безор,
Бу азиз умрим хам кўз олдимда хор.
Бошимдаги тожим — енгилтак бошбог,
Танамдаги бошим — огир, зил дастор.

70

Мен кимманки, мендан савоб кутарлар,
Еб ётганим учун жавоб кутарлар.
Малак хам хисобда бўлмаган жойда
Нима учун мэндан хисоб кутарлар.

71

Дарду алам билан умрин сарфлаш хайф,
Кайгу тиканидан жонни асраш хайф,
Жаҳон боди ичра куёш гулидек
Гунчалик лаззатин тотмай гуллаш хайф!

72

Дониш эрур отган ўқим нишони,
Дадиллик манбаи — билимим кони.
Эзгулик осмонин маҳбусиман мен,
Занжирим — фазо-ю само уммони.

73

Димогимдан охир савдо гул очди,
Расволик пардасин тори тил очди.
Девоналигимдан бошимдаги додг
Бутун вужудимдан гул-юз хил очди.

74

Хар нукта хатимда ёнган юракдир,
Хар харфи коронгу зулмат демакдир.
Чекмасман окшомлар шамнинг миннатин,
Чунки, фикрим шамдан шуълалироқдир.

75

Дилтангликдан чаман кўзимга гўрдир,
Наздимда гул жарохати носурдир
Тузсизлик — шўрликнинг акси-ку, ахир,
Нега баҳтим хам тузсиз, хам шўрдир?

76

Улусга кайгуур шоҳ эмас, дарвеш,
Зеро у дарвешдир, дарвешдир, дарвеш.
Бузук деворлардан ташвиш бор, лекин,
Синик кўнгуллардан кўпроқдир ташвиш.

77

Розилигинг, зоҳид, раддан баттарок,
Хамма ишинг баддир, баддан баттарок.

Кофирсан-ку! Нега: «Мўъминман!» — дейсан?
Сендек мўъмин, бил, муртаддан баттаррок!

78

Маърифатнинг тили — чолгу — нойимдир,
Аклим — килич, сўзим ўку ёйимдир.
Имтиёзлар мулкин шохи билурким,
Сўз майдони — ишгол килган жойимдир.

79

Рашкингдан богда гул ўзни сўлдирур,
Лоладек кўксин дог бир-ла тўлдирур,
Жамолинг шуъласи ёритган жойда
Чирок ўз нурини ўзи сўндирур.

80

Эй ишқ, нечук ўтсан, ахир, дудинг йўк?
Эй гам, нечук куйсанким, сурудинг йўк?
Эй истак, нечуксан, туткич бермайсан,
Эй шодлик, нечуксанким, вужудинг йўк?!

81

Бу чарх фитна ўкин кон тўкар этмиш,
Тиичлик даврин бало кўзгатар этмиш.
Йигирмас меҳр ипин вафога бу чарх,
Бу чарх кина тигин тез кесар этмиш.

82

Номингданки, топар хар айём шараф,
Шундай номки, келтирап бу ном шараф.
Май ичмай нетарсен шарафли кунда?
Бахш этур файзу келтирур жом шараф!

83

Йўк осмонда, ернинг юзида хам туз,
Денгизнинг сувида, музида хам туз.
Туз кўздан оккан кон туфайли тузсиз,
Ажаб замонки, йўк тузида хам туз!

84

Хар замон кўнглимни килиб паришон,
Лоладек дил кулин сочаман хар ён.
Хар тун кум соатдек фирок губорин
Бошимга сочаман хар соат, хар он.

85

Килмишингдан, зохид, уятгил, уят!
Чунки тилинг бошка, бошкадир ният!
Ним товус, ним каклик вужудинг, зохид,
Оёгинг гох чипор, гох кирмиз, иллат!

86

Нодон гийбатига бўлибман нишон,
Кайтаргум хужумни, менман пахлавон!
Маломат килурлар жохиллар, чунки,
Билимда эрурман нодири замон.

87

Хар ёқдан гам отган тошни кўраман,
Кўз очсам — чимирилган кошни кўраман.
Качонгача поймол этиб фикримни,
Тизза кўзгусида бошни кўраман?!

88

Ўтда айнигучи сергаш эмасман,
Соф олтинман, миси баркаш эмасман,
Кайнокман ва софман куёш нуридек,
Ойдек совук, даглик баркаш эмасман!

89

Сўзпастман, файзли нафас истайман,
Бир лутфда юзлаб хавас истайман.
Бу нокаслар лойик эмас тинглашга,
Нозик сўзга бир серхавас истайман-

90

Мазмунин пешанам хатидан сўрай,
Такдирик кай йўсин ва качон сўрай,
Яхшиси кўксимни ёриб бу холнинг
Аслини кон тўлган кўнглимдан сўрай!

91

Орзунинг илгига кўрганим хар гул,
Билгумки, богида эккан у софдил.
Хажрининг жамида ичганим кар кон,
Лабларин рангидан, ранг олган деб бил.

92

Эй дил, тилдек душмани жон эмасмиз.
Урма тигинг, билгил, забон эмасмиз—
Качонгача сен гафлатда, биз — уйгок,
Мудраган баҳт, сенга посбон эмасмиз!

93

Эй чархи фалак, замонайи дунпарвар,
Тескари юришинг тўгрига хатар:
Нодон бош устида-ю доно поймол,
Ё раб, бу фалакни эт зеру забар.

94

Дардмандам, дардмандам, буткул дардмандам,
Оразинг шамъидан ўргулей хар дам,
Гар васлинг давлати мұяссар бўлса,
Сурайин пойингга бу рўйи зардам.

95

Кандай яхши бир раънога бўлсанг ёр!
Сахродаги шаббодадек хушрафтор,
Бахор келди, дўстлар, гаштин сурайлик,
То келгунча бизсиз ўтгувчи баҳор.

96

Неча йил илм-хунар пайида бўлдик
Неча йил зар-зевар пайида бўлдик,
Оlam сирларидан бўлганда огох—
Бори ишни ташлаб Каландар бўлдик.

97

Сен, албатта, топиб бир доно, ўлтири,
Ёинки, топиб сен бир раъно, ўлтири,

Топилмаса сенга гар иккиси хам,
Бехуда кечирма вакт, танхо, ўлтири.

98

Ёмон кўз кўрмасин ул кўзлари масти,
Кўрмасин офат ул лаби майпарамст,
Муродим шудирким, худодан доим,
Муборак каддига етмасин шикаст!

99

Дўстим, эрталикнинг гамин емагил,
Бу бир нақд нафасни ганимат билгил,
Бу эски эшикдан ўтармиз бир-бир,
Ётгаймиз ўшанда бизлар кўп минг йил.

100

Фалак чархи ичра бизлар хайронмиз,
Фонус мисол хаёл килиб сарсонмиз,
Куёш чарог бўлса, жаҳон бир фонус,
Кўгиричокдек тунда биз саргардонмиз.

101

Бошу кўнгул кора, гўёки лола,
Кўз гунча оғзилик лиммо-лим жола.
Кўнглимнинг ёнидан ўткучи деди:
Кулогимда колмиш хазин бир нола.

102

Замоннинг зарбидан бош беидроқдур,
На дилнинг кўзгуси кайгудан покдир,
Саъй этма тўкиб тер тарбиятимга,
Тупрокни ювсанг хам у хокдир, хокдир!

103

Назар топган кимса — кийматли гавхар,
Кам ўйлаган кимса бўлур беназар,
Ишксиз камол бўлмас ушбу оламда,
Косадан муроддир, асли, косагар!

104

Кўзингдир ноз билан жоно гўзалрок,
Гамзангдан карашма созидир кувнок,
Овлагай дил кушин худди баликдек,
Муаттар сочингдир хам ип, хам кармок.

105

Тавбамга таяндим, шаробим келтир,
Изтиробим ортди гулобим келтир,
Сўндирап тутсанг жом хуморим ўтин,
Ўт тушди кўнглимга кел, обим келтир.

106

Хидоят излайман, сен йўлдан урма,
Насимдек югурай, йўлимни бурма,
Йўлингга гуллардан солма поёндоз,
Сероб кил, хокбўйман, кўзларга сурма.

107

Хамдамлар кибр ила сўзларлар сўзин,
Чаманда гул дея билурлар юзин,
Туну кун соям-ла сўзлашурман мен,
Ёш бола кўргандек кўзгуда ўзин.

108

Шикоят килма, эй таъмагир нопок,
Тупроқдан ор этмам, чунки ўзим хок
Чўпни хам элтолмас бу сувдан хеч ким,
Гавхар сенга бўлсин, менга бас хошок!

109

Хар кимса хам сенга ошино бўлмас,
Сени кимки, билмас у шайдо бўлмас.
Дардингда бўламан расво ва лекин,
Дардингни асрайман, у расво бўлмас.

110

Пархез bemaza-yo тузсиздир такво!
Гунохда хам афсус, маза йўх асло!
Ювди сув тузини хамма нарсанинг,
Олди ел мазани, бу кандай савдо?!

111

Худони ёд этиб, биёбон кетдик,
Биз тан оламидан жон томон кетдик.
Туну кун фикр этдим етмиш икки йил,
Сарсон бўлиб юрдик, хам хайрон кетдик,

112

Окил акли хисга гирифтор бўлмас,
Хасад килган билан тилло хор бўлмас,
Номард — ит кабидир, мард буюк дарё,
Дарё ит дамидан хеч мурдор бўлмас.

113

Тун — иккикат хотин, не тугар экан?
Замона хукмидан не ёгар экан?
Умр аввалида не келди, кўрдик,
Кўрармиз — охири не бўлар экан?

114

Ёмон билан улфат бўлма, юр йирок,
Йўлинга дон сочиб, кўяди тузок.
Ёйни эгри кўриб, тўгрилигидан—
Ўқ ундан канчалик кочганига бок!

115

Ох тортган чогингда йўлга кўэ тутгил,
Йўлда кудук бордир, эҳтиётинг кил,
Дўст уйида маҳрам бўлган вактингда
Кўлингни, кўзингни, дилни тия бил.

116

Дил кўйини кездим, бу менга одат,
Покки хам ювиксиз этдим зиёрат.
Рамазон рўзасин тутмаганимга —
Ювиксиз намозим бўлди кафорат.

117

Токи бор гайрату мардликдан асар,
Ахлу аёлингни этма дарбадар,

Мева шохи агар девордан ошса,
Йўловчилар унга бешак кўл чўзар.

САЙЁР РУБОИЙЛАР ХУСУСИДА

Рубоий жанри улуг Хайём шарофатидан, унинг мўъжизакор калами кудратидан шухрат топгани хаммага аён, аммо бу шоирнинг ўз умрида канча рубоий ёзгани хеч кимга маълум эмас. Ханузгача бу муаммони Эрон олимлари хам, Европа шаркшунослари хам хал этолмай гаранг. Бу олимларнинг бир кисми, Хайём рубоийлари 100 билан 125 атрофида, деб тахмин килишса, бошкалари Хайём рубоийлари 1000дан зиёд деб, даъво килишади. Бирок хар икки томоннинг даъвосида хам хеч кандай асос йўк. 100 билан 1000 раками орасида ер билан осмондай катта тафовут бор, бу улкан тафовут рост билан ёлгон орасидаги жарлиkdir.

Рубоиётда шоирнинг номи — тахаллуси камдан-кам зикр килинади. Бу хол тазкирачиларни мушкул ахволга солиб, айрим рубоийларни, уларнинг бири, бир шоирга нисбат берса, бошкаси иккинчи шоирга нисбат беради: бу хил тахминлар натижасида бир канча сайёр рубоийлар вужудга келиб, улар китобдан-китобга кўчиб юради.

Шундай сайёр рубоийларнинг баъзилари Пахлавон Махмуд рубоийлари мажмуасига хам кириб колган. Чунончи, Пахлавоннинг 1962 йилда нашр этилган «Рубоийлар» китобига 56 рубоийсини ўзбекча таржимаси билан киритган эдик. Ёш олимларимиздан Ёкубжон Исхоков бир йиллик умрини сарф килиб, шу рубоийларни форсий рубоийнависларининг асарларига чогиштириб караса, Пахлавон Махмудга нисбат берилган 56 рубоийнинг бештаси бошка шоирларнинг сайёр рубоийлари бўлиб чикибди. Гарчи бу иш ўта сермехнату камхосил бўлса хам шоёни тахсиндур. Мен ёш олимнинг бундай синчковлигини юксак баҳолаб, ўша сайёр рубоийларни Пахлавон Махмуд асарлари таркибидан ажратиб, табаррук учун маҳсус бобга кўчирдим. Тазкираларда улар куйидаги шоирларга нисбат берилган экан:

Махсатийга нисбат берилгани:
Дунё бамисоли бир заррин кўза,
Суви gox ширину, gox аччик бўза,
Эй гофил, умрингга бино кўйма кўп,
Казойи муаллак тураг буш уза.
Т. Жалолов таржимаси

Султон Яъкубга нисбат берилгани:
Дунёда шодликни жуда кам кўрдим,
Хар бир хурсандликда минг-минг гам кўрдим.
Бу эски саройнинг хар тарафида —
Йўклик дашти сари эшик хам кўрдим.
Шу рубоийнинг иккинчи варианти:
Дунёда карору сабот гоят кам,
Хар бир шодлигига минг кайгу алам,
Бу эски саройнинг хар томонида

Рахналар очилиб — кўринур адам.
Хилолийга нисбат берилгани:
Дунёда хеч киши эмасдир хуррам,
Бани одам бўлмас шодлик-ла хамдам,
Кимдаки бўлмаса замона гами,
Ё оламдан эмас, ё змас одам.
Урфий Шерозийга нисбат берилгани:
Тиззам келин каби тўлдириб кучок,
Кўйингда ётардим кеча-тунги чок
Йўқ эди кўзимдан ўзга ёпиклик,
Бош ости ёстигим эди шу кулок.
Муинзода таржимаси

Китобнинг биринчи нашрига кириб колган мунозарали, сайдёр рубоийлар мана шулар холос. Биз бу китобнинг иккинчи нашри учун Пахлавоннинг яна 65 рубоийсини танлаб таржима килдик. Аммо кўлёзмани нашриётга топширишдан аввал, Хайём рубоийлари билан солиштириб карасам, бир фалсафий рубоий (бир оз тафовут билан) хар икки шоирнинг рубоийлар мажмуасига киритилган экан. Бу рубоийни Шоислом Шомухамедов Хайёмга нисбат бериб, камина эса, Пахлавон Махмудга нисбат бериб таржима килибмиз. Мана шу рубоийлар:

Ул кодирки арзу афлок яратди,
Кўнгилда дод, дилни гамнок яратди,
Мушкин зулфларни-ю, ёкут лабларни
Ерга кориб, охирда хок яратдн.
Т. Жалолов таржимаси

Улки жаҳон тузди, чарх, афлок тузди,
Кўнгилга дод солди, хам чок-чок тузди,
Жуда кўп ёкутлаб, ойюзлиларни
Ер ичра жо килди, бир кафт хок тузди.

Ш. Шомухамедов таржимаси

Сайдёр рубоийлар хакида гап кетгач, ўзим бевосита аралашган бир воеани арз этмокчиман. Гап шундаки Ибн Сино ва Умар Хайём мухлислари кўпдан бери бир рубоий устида талашиб юришади. Мана ўша рубоий:

Каро ер каъридан то авжи зухал,
Коинот сирларин барин килдим хал,
Кўп мушкул тугунни ечдим, англадим,
Ечилмай колгани — биргина ажал!...

Бу рубоий жанрининг энг мумтоз, энг нодир намунаси албатта. Шоислом Шомухамедов бу рубоийни аъло даражада таржима килибди. Бирок бу бебаҳо пурмаъно рубоий кимнинг каламига мансуб? Шоислом Шомухамедов бу рубоийни Хайём каламига

мансуб деб таржима килган. Аммо Ибн Сино хаётини синчилаб текширган, шу мавзуда тарихий роман ёзган В. Смирнова-Ракитина Ибн Синонинг барча рубоийларини, жумладан бу рубоийни хам ўз асари таркибига сингдириб юборган. Адибанинг ушбу романини ўзбек тилига таржима килиб турган пайтимда (менинг илтимосим билан) Эркин Вохидов шу рубоийларни русчадан ўзбекчага таржима килиб берган эди. Мана шулардан намуналар:

Жаҳонда колмади мен билмаган фан,
На мушкул бўлса ечдим, дониш илан,
Ва лекин бу ўлим отлик тугунни,
Ечолмасдан ўтар бўлдим жаҳондан.

Менинг куфрим айбларга дилимдан ўзга султон йўқ,
Бу оламда менинг покиза имонимдек имон йўқ.
Мусулмонликда мен ахли замон ичра эдим танҳо,
Агар коғир эсам мен хам, бу дунёда мусулмон йўқ.

Ростини айтсам, мен ўзим хам эллик йилдан бери бу рубоийни Ибн Синонинг асари деб юраман ва бу эътиқоддан кайтишим хам амри маҳол. Зеро рубоийнинг рухи, унга сингдирилган теран фикр ва надомат оҳангни уни фалакиёт, табииёт ва табобатдан мўъжизалар кўрсатган улуг алломанинг асари эканини равшан кўрсатиб турибди.

Биз бир ишора билан Пахлавон китоби таркибидаги шубҳали рубоийларни чикариб ташладик, бирок хамма хам бу тазкираларга биздек эхтиром билан карамайди чоги. Бўлмаса 5 асрдан буён хамма тазкираларда Пахлавон Махмудга нисбат бериб келинган «Канзул ҳакойик»ни 1967 йилда Эронда Махмуд Шабустарийга нисбат бериб нашр килишни нима деб тушуниш керак? Нахотки, эронлик Саид Мухаммад Али Соғир бу машхур тазкиралардан бехабар бўлса?
Балки тазкирачилар хато килгандир?

Т. Жалолов Тошкент — 1975 йил.